

НАЗИРОВ Мухтор Махмудович,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси доценти,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИ

ИНИЦИАТИВЫ УЗБЕКИСТАНА ПО БОРЬБЕ С ИЗМЕНЕНИЕМ КЛИМАТА И ОБЕСПЕЧЕНИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

INITIATIVES OF UZBEKISTAN TO COMBAT CLIMATE CHANGE AND ENSURE ENVIRONMENTAL SUSTAINABILITY

Аннотация. Мақолада 2025 йилдаги глобал экологик вазият, иқлим ўзгариши ва унинг Марказий Осиё ҳамда Ўзбекистонга таъсири таҳлил қилинади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ташаббуслари, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси ва минтақавий ҳамкорлик масалалари ёритилган. Орол фожияси, сув ресурслари ва барқарор ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: иқлим ўзгариши, яшил иқтисодиёт, Марказий Осиё, Орол фожияси, сув ресурслари, барқарор ривожланиш, Париж келишуви.

Аннотация. В статье анализируется глобальная экологическая ситуация 2025 года, изменение климата и его влияние на Центральную Азию и Узбекистан. Освещаются международные инициативы Президента Шавката Мирзиёева, стратегия перехода к «зелёной экономике» и вопросы регионального сотрудничества. Особое внимание уделено трагедии Арала, водным ресурсам и вопросам устойчивого развития.

Ключевые слова: изменение климата, зелёная экономика, Центральная Азия, Аральская катастрофа, водные ресурсы, устойчивое развитие, Парижское соглашение.

Abstract. The article analyzes the global environmental situation in 2025, focusing on the impacts of climate change on Central Asia and Uzbekistan. It highlights President Shavkat Mirziyoyev's initiatives, the transition to a green economy, and regional cooperation. Special attention is given to the Aral Sea crisis, water resources, and sustainable development issues.

Keywords: climate change, green economy, Central Asia, Aral Sea disaster, water resources, sustainable development, Paris Agreement.

КИРИШ

2025 йил дунё учун мисли кўрилмаган даражада хавфли ва зиддиятли кечмоқда. Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери глобал миқёсда бунчалик кўп қуролли можаролар кузатилмаган. Мана шундай шарт-шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессияси иш бошлади.

Бу сессия кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари синовга тортилаётган бир даврга тўғри келди. Кўп томонлама ҳамкорлик ва умумий масъулиятни янада кучайтиришга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон бунчалик катта бўлмаган. Глобал хавфсизлик инкирози ва иқлим ўзгариши бир-бири билан боғлиқ икки йирик таҳдид сифатида инсониятдан бирдамлик, адолат ва амалий қадамларни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 78-сессияда БМТ минбаридан сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти диққатини иқлим ўзгариши оқибатлари ва Марказий Осиёда бу борадаги ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятига алоҳида қаратган эди. Бу масала ҳозир ҳам ўз ечимини кутаётган энг оғир глобал муаммолардан бири сифатида қолмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, сайёрамизда экологик вазият кескинлашиб бормоқда: иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг йўқолиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши бутун дунёда чуқур инкирозга айланди. Иқлим ўзгариши – давримизнинг асосий муаммоси ва унинг ечими инсоният тарихидаги бурилиш нуктаси бўлиши мумкин. Ҳали ҳам салбий оқибатларни камайитириш учун вақт бор, аммо бу глобал миқёсда мисли кўрилмаган бирдамлик ва саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Яшил ривожланиш масаласида Марказий Осиё давлатлари ўртасида конструктив ҳамкорликни чуқурлаштириш зарур. Минтака сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш ва экологик офатлар оқибатида жиддий синовларга дуч келмоқда. Бу масалаларни ечишда ҳар бир давлатнинг ҳиссаси муҳим, айниқса минтақавий даражадаги ҳамкорлик умумжаҳон барқарорлигига қўшилган улкан ҳисса бўлиши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сир эмаски, дунёда кескин экологик вазият кузатилмоқда, сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бормоқда. Дунёда яшил кун тартибига ўтиш борасида ҳозирда суст мувофиқлаштирилган ва геосиёсий манфаатларга таъсиридаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари номутаносиб равишда муаммо учун энг кам жавобгар бўлган ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Айни жараёнда Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш борасида ўз ёндашувлари мавжуд. Давлатимиз раҳбари глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши, бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари албатта инобатга олиниши зарурлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, 1992 йилда қабул қилинган Иқлим ўзгариши бўйича БМТ доиравий конвенцияси иқлим ўзгаришига қарши кураш йўлидаги биринчи қадамни белгилаб берди. Конвенциянинг асосий мақсади “иқлим тизимига хавфли антропоген таъсир”нинг олдини олиш бўлиб, ҳозирда 197 давлат унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция иштирокчиларининг 21-чи глобал конференциясида иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор паст углеродли ривожланишга эришиш учун зарур бўлган ҳаракатларни фаоллаштириш бўйича муҳим келишувга эришилди. Париж келишуви Конвенция мандатига асосланади ва тарихда биринчи марта барча халқларни иқлим

ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича қатъий чоралар кўриш ва ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун бирлаштиради. Париж келишувининг асосий мақсади – бу асримизда глобал ҳароратнинг ўсишини 2°C даражасида ушлаб туриш учун иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича глобал ҳаракатни кучайтириш ва ҳатто бу кўрсаткични $1,5^{\circ}\text{C}$ гача камайтиришга ҳаракат қилишдир.

Париж келишуви БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида 2016 йил 22 апрелида, Халқаро она Ер кунида 175 давлат раҳбарлари томонидан имзоланган. Бу бир кун ичида халқаро шартнома имзолаган давлатлар сони бўйича рекорд кўрсаткичдир. [4]

БМТнинг Глазго шаҳрида ўтказилган 2021 йилги иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (2021 йил 31 октябрь – 12 ноябрь) ҳиссасига глобал чиқиндиларнинг учдан бир қисми тўғри келадиган “Катта Еттилик” (G7) ва Европа Иттифоқи давлатлари биргаликда глобал исишни $1,5^{\circ}\text{C}$ чегарасидан паст даражада ушлаб туриш мажбуриятини олди. Йигирматалик гуруҳининг (G20) қолган мамлакатлари, шу жумладан БРИКС мамлакатлари (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка) ҳиссаси глобал иссиқхона газлари чиқиндиларининг деярли ярмини ташкил қилади.

Афсуски, бу давлатлар ҳалигача Париж келишувига мувофиқ иқлим исишини 1.5°C – 2.0°C гача чеклаш мажбуриятини олмаган. Бироқ 2022 йилда Мисрда ва 2023 йилда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган иқлим конференцияларида янада улкан иқлим мақсадларини белгилашга қаратилган муҳокамалар давом этди.

2024 йилнинг 12 ноябрь куни Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича 29-чи глобал конференцияси (COP29) доирасидаги саммитда сўзлаган нуткида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, кам углеродли, барқарор ривожланишга ўтиш анъанавий ривожланиш йўллари билан

солиштирганда 2030 йилга келиб 26 триллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри иқтисодий фойда келтириши мумкин.

Иқлим ўзгариши инсоният олдидаги энг долзарб глобал хавфлардан бири сифатида тобора кўпроқ геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар келтириб чиқармоқда. Унинг энг оғир кўринишларидан бири – иқлим миграциясининг кучайиб бориши ҳисобланади. Бу жараён фақат табиий муҳит ёки демографик муаммо эмас, балки хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва давлатлараро муносабатларга ҳам бевосита таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 80-сессиядаги ўз чиқишида айнан шу масаланинг ҳуқуқий ва институционал жиҳатлари ҳали етарли тарзда тартибга солинмаганини ва аниқ халқаро механизмлар ишлаб чиқилмаганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро миқёсда иқлим мигрантлари мақомини аниқ белгилайдиган ва уларни муҳофаза қиладиган универсал механизмлар йўқ. Бу эса минтақавий зиддиятлар, ижтимоий тартибсизликлар ва катта кўламли гуманитар инқирозлар эҳтимолини кучайтиради. [1]

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг “иқлим миграцияси бўйича Глобал пакт” қабул қилиш ташаббуси жаҳон ҳамжамияти учун стратегик аҳамиятга эга. Бундай ҳужжат нафақат ҳуқуқий кафолатлар ва ягона қоидаларни белгилайди, балки глобал ҳамкорликка асосланган мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш имконини ҳам яратади.

Қайд этиш жоизки, иқлим ўзгаришларининг бу каби салбий оқибатларига самарали жавоб бериш учун мавжуд миллий ва минтақавий чоралар етарли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун халқаро миқёсда комплекс ёндашув ва барқарор ҳамкорлик зарур.

Ўзбекистон барқарор иқтисодий ривожланиш йўлида “яшил иқтисодиёт”га ўтишни тизимли равишда амалга оширмоқда. Бу жараён 2030 йилгача мўлжалланган “Яшил иқтисодиёт” стратегияси, Париж келишуви доирасидаги миллий иқлимий мажбуриятлар ва экотизимларни тиклашга қаратилган кенг кўламли ташаббуслар орқали амалга оширилмоқда. 2025 йил 7 июлда “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш

тўғрисида”ги қонун қабул қилинди [9] ва 2025 йил мамлакатда “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. [10]

2019-2030 йилларда “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, суғориш тизимларини модернизация қилиш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш;
- қуёш, шамол ва биомасса каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш;
- иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш.

2025 йилги иқлим қонунчилигида “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонун алоҳида ўрин тутди. Ушбу ҳужжат чиқиндиларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва верификация қилиш тизимини белгилайди ҳамда “яшил” лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантиради.

2025 йил 7 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро углерод бирликлари бозорида иштирок этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-110-сон Фармони Президент фармони орқали Ўзбекистон халқаро карбон бозорига чиқишни бошлади ва 2030 йилгача чиқиндиларни 35 фоизга қисқартириш, “яшил” энергетика улушини 40 фоизга етказиш ҳамда инвестициялар жалб этиш мақсадини белгилади. [11]

2025 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 11 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси ишлаб турибди, уларнинг умумий қуввати 4119 МВт. Бу манбалар мамлакат электр энергияси ишлаб чиқаришининг 20,3 фоизини ташкил этмоқда. [12] 2025 йил май ойида қуёш ва шамол манбалари орқали 1,1 млрд кВт·соат энергия ишлаб чиқарилди. Бу тарихий рекорд бўлди.

Стратегик режаларга кўра, 2026 йилга бориб, қайта тикланувчи манбалар умумий қуввати 8000 МВтга етказилади. Бу йили 3 млрд куб метр табиий газни тежаш имконини беради. 2030 йилга келиб эса “яшил” энергия улуши 54 фоизга етказиш, кичик қувватли манбалар (1 МВт гача) 1000 МВтгача кўпайтириш режа қилинган. [13] Мутахассислар бу жараён техник ва иқтисодий жиҳатдан амалга оширилиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтакалардан бирига айланмоқда. Президентимиз COP29 саммитидаги нутқида таъкидлаганидек, бу айниқса, аҳоли турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқаришда янги тўсикка айланмоқда.

Ўзбекистоннинг бу борадаги хавотири Орол фожиаси оқибатини бартараф этиш йўлида қўрилаётган чоралар, Марказий Осиёда иқлим ўзгариши салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражаси камайиши билан боғлиқ маълумотларда намоён бўлади.

Марказий Осиё шундай ҳудудки, минтақадаги экология муаммолари умумий ва айти пайт айримлари умумбашарий даражада долзарб. Минтақадаги ҳеч бир давлат бу муаммоларни мустақил ҳал қила олмаслиги саъй-ҳаракатларни самарали бирлаштириш заруратини оширади. [5, 142]

Яқин йилларда Оролбўйи экотизими таназзули янада кучайишининг олдини олиш ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича кенг қўламли ташқи сиёсий фаоллик кўрсатилмоқда. Натижада, БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майда “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилиниши улкан ҳодиса бўлди. Шу ҳужжат асосида юртимизда тегишли миллий чоратadbирлар дастури амалга оширилмоқда.

Сўнгги бир неча йил давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Яқин икки йилда яна 400 минг гектар яшил ҳудудлар барпо этиш режалаштирилмоқда. Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, қўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари яратилди. Расмий маълумотлар кўра, бугунги кунда Оролбўйи минтақасида қўриқланадиган ҳудудларнинг умумий майдони 4,6 миллион гектарни ташкил қилади. [3]

Сув Марказий Осиёдаги бешта давлатда чекланган ресурсга айланмоқда. Масалан, минтақамизнинг юқори оқимдаги гидроэнергетика ва қуйи оқимдаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи туфайли чекланган ресурсларни адолатли тақсимлаш жуда

долзарб. Трансчегаравий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқиш зарур. Бинобарин, Ўзбекистон раҳбариятининг сув билан боғлиқ минтақавий муаммоларни ҳал қилишга конструктив ёндашуви боис, бу борадаги муносабатлар охириги пайт ижобий томонга кескин бурилди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди. Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида музликлар эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар каби янги хавф ва таҳдидлар туфайли минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеянинг 78-сессиясида таъкидлаганидек, *“кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача иссиқдан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда.”* [2]

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

БМТ маълумотида кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда.

2023 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” номли резолюцияни бир овоздан қабул қилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларни халқаро даражадаги эътирофи, деб аташ мумкин.

Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида сувни тежаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг экологик йўналтирилган ривожланиш сиёсати минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини ҳам белгилашга таъсир кўрсатмоқда. 2025 йил 4 апрелда бўлиб ўтган Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев иқлим ўзгаришига қарши минтақавий стратегия ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди ва у бир овоздан қўллаб-қувватлади. Сабаби, Марказий Осиё учун иқлим инқирозининг оқибатлари – чўлланиш, музликларнинг эриши ва сув танқислиги муаммоларини ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Минтақада аҳоли сони 25 йил ичида 100 миллиондан ошиши кутилётган бир вақтда, умумий ер майдонининг 20% дан зиёди деградацияга учраган, чорак асрдан кейин ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиши мумкин. Бу ҳолат озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини ҳам таҳдид остига кўяди. [8]

Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланадиган энергия манбалари улушини кўпайтириш ва иссиқхона газлари чиқиндиларини камайитириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. У барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш учун минтақавий ҳамда халқаро лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди.

– Тошкентда Европа Иттифоқининг “Сув – Энергия – Иқлим ўзгариши” ташаббуси котибиятини ташкил этиш таклифи;

– Марказий Осиёнинг “яшил тараққиёт концепцияси”ни қабул қилиш ва амалга ошириш;

– Тошкентдаги “Яшил университет” базасида Иқлим резиденциясини минтақавий илмий-экспертлик платформаси сифатида фаолият юритиш;

– Нукусда Орол маданият саммитини ўтказиб, экологик масалаларга жамоатчилик ва санъат орқали эътиборни кучайтириш.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда Европа Иттифоқи иқлим ўзгаришига қарши глобал етакчи сифатида Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилона фойдаланиш ва “тоза” энергия манбаларини кенгайтириш борасида Марказий Осиёда ҳам ҳамкорлик алоқаларини фаол ривожлантирмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, Марказий Осиёда иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш йўлида янги шароитларга мослашиш чораларини кўриш зарур бўлади. Яқин келажакда аҳоли демографияси минтақанинг чекланган сув ресурсларига босим ўтказиши муқаррар. Шу боис, мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашда миллий стратегиялар, қонунчилик ислохотлари, халқаро ҳамкорлик ва инвестиция лойиҳаларини уйғунлаштирган ҳолда комплекс ёндашмоқда. Мамлакат Марказий Осиёда иқлим сиёсати бўйича етакчи ўринни эгаллаб, углерод нейтраллигига эришиш бўйича глобал сазй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда.

Шу маънода Марказий Осиёда сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт соҳаларида комплекс ёндашувга асосланган самарали ҳамкорлик платформаси мудом зарур бўлиб қолаверади. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар глобал экологик бошқарув тизимини мустаҳкамлашда муҳим қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланадиган энергия ва сувни тежайдиган технологиялар бўйича амалий қадамлари минтақадаги бошқа давлатлар учун намуна бўлиши мумкин. Европа Иттифоқи ва халқаро ҳамкорларни жалб этиш орқали минтақавий ҳамкорликнинг чуқурлашиши эса глобал иқлим инқирози шароитида Марказий Осиё учун барқарор келажакни таъминлашнинг муҳим гарови сифатида кўрилмоқда.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025. // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023. // <https://president.uz/uz/lists/view/6677>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 15.09.2023. // <https://president.uz/uz/lists/view/6662>
4. Борьба с изменением климата // <https://www.un.org/ru/aboutun/booklet/climate.shtml>.
5. Сирожов О., Назиров М. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг истикболлари ва имкониятлари. – Тошкент: ЎзХИА, 2021. – Б. 142.
6. Water in Central Asia: An increasingly scarce resource // https://www.europarl.europa.eu/thinktank/en/document/EPRS_BRI%282018%29625181
7. Water Resources in Central Asia: Challenges and Prospects. March 18, 2023 // <https://www.undp.org/kyrgyzstan/speeches/water-resources-central-asia-challenges-and-prospects>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқи. 04.04.2025 // <https://president.uz/uz/lists/view/8025>
9. “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 07.07.2025 йилдаги ЎРҚ-1073-сон // <https://www.lex.uz/docs/7616051>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-16-сон Фармони. 30.01.2025. // <https://lex.uz/ru/docs/7369703>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро углерод бирликлари бозорида иштирок этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-110-сон Фармони. 07.07.2025. // <https://lex.uz/ru/docs/7616191>
12. Ўзбекистондаги қуёш ва шамол электр станциялари йил бошидан буён 5 млрд кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарди. 07.07.2025. // <https://www.gazeta.uz/uz/2025/07/07/energy/>
13. К 2026 году совокупная мощность солнечных и ветряных электростанций в нашей стране достигнет 8000 МВт. 03.02.2022. // <https://yuz.uz/ru/news/k-2026-godu-sovokupnaya-monost-solnechnx-i-vetryanx-elektrostantsiy-v-nashey-strane-dostignet-8000-mvt>